Наманган вилояти

Чортоқ туман Хокимининг

ҚАРОРИ

"5" декабр **2008 йил** **Чортоқ шахри** 1878

Қишлоқ ахоли пунктларини шаҳарча таркибига киритиш тўғрисида.

"Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилиш, топономик объектларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини хал этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси ахоли пунктларини маъмурий-худудий тузулишини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-120-сонли ва шу хақдаги вилоят ҳокимининг 2005 йил 20 июлдаги 111-сонли қарорини ҳамда тумандаги Ойқирон, Алихон, Боғистон, Гулшан, Мучум, Пешқўрғон, Хазратишох, Короскон, Сарой қишлоқ фуқаролар йиғинларининг илтимосномаларига асосланиб халқ депутатлари туман Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Тумандаги Ойқирон, Алихон, Боғистон, Гулшан, Мучум, Пешқўрғон, Хазратишох, Короскон, Сарой қишлоқ фуқаролар йиғинларини шахарча тоифасига киритиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

2. Мазкур қарор ва қишлоқ ахоли пунктларини шаҳарча тоифасига киритишни асослаб берувчи хужжатлар Халқ Депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этилсин.

3. Мутасадди давлат органлари амалдаги тартибда қишлоқ ахоли пунктларини шаҳарча тоифасига киритиш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширсинлар.

Халқ депутатлари Чортоқ тумани Кенгаши раиси, туман хокими **А.Султанов**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI CHORTOQ TUMANI HOKIMLIGI
RASMIY XUJJATLAR UCHUN